

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 49-ҳадис

49 – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا. وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ حَصَلَةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ حَصَلَةٌ مِنَ النَّفَاقِ حَتَّى يَدْعَهَا: إِذَا أُؤْتِمِنَ خَانَ، وَإِذَا حَدَّثَ كَذَبَ، وَإِذَا عَاهَدَ غَدَرَ، وَإِذَا خَاصَمَ فَجَرَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Тўрт (хислат бор), улар кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлибди. Кимда улардан биттаси бўлса, то уни ташламагунича унда мунофиқликдан бир хислат бўлади: омонат топширилса, хиёнат қилади; гапирса, ёлғон гапирди; аҳдлашса, аҳдни бузади; жанжаллашса, фожирлик қилади», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ислом дини шахс ва жамиятни бузувчи, уларнинг кучини кетказувчи ва бахтли ҳаётга раҳна солувчи ёмон хулқларни ман этиб, зараридан огоҳлантиради. Ўшандай бузғунчи ахлоқларнинг энг кучлиси, ҳаётни издан чиқарувчиси- омонатга хиёнат қилиш, ёлғон сўзлаш, аҳд ва ваъдага вафо қилмаслик, жанжаллашганда ҳаддан ошиш, фожирлик қилишдир. Ислом бу каби разил ахлоқлардан қайтариш баробарида унинг акси бўлган мақтовли ахлоқларга тарғиб қилади. Масалан, рост сўзлаш, омонатни эгасига қайтариш, аҳд ва ваъдага вафо қилиш, тортишиб қолганда ўртача бўлиш, садақа улашиш каби нарсалар.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Расулуллоҳ с.а.в.нинг мунофиқлик ва унинг кўринишларидан огоҳ этишлари.
2. Инсон батамом мунофиқ бўлиб қолиши ёки унга хос баъзи салбий хислатлар бўлиши мумкин.

3. Омонатни сақлаб ўз эгаларига қайтариш лозимлиги.
4. Сўзлашда ростгўй бўлиб, ёлғондан йироқ бўлиш.
5. Дўсти билан баҳслашиб, жанжаллашиб қолса, ҳаддан ошиш, чидамаслик, шаллақилиқ қилиш каби ҳолатларга олиб келса, мунофиқлик аломатларидан эканидан огоҳлантириш.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI